

**УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МУСТАҚИЛ ФИКРЛОВЧИ, ИЖОДҚОР
ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ**

Санобар Сиддиқова Хайдаровна

Жиззах давлат педагогика университети

Педагогика ва психология факультети

Педагогика таълими назарияси кафедраси ўқитувчиси

Шерматова Зарнигор Мамарасул кизи

Педагогика ва психология йуналиши 3- босқич талабаси

Кушакова Гузал Узокбой кизи

Педагогика ва психология йуналиши 3- курс талабаси

Маълумки, мустақил фикрловчи, ақлан етук, руҳан тетик, маънан баркамол шахсни тарбиялаш ғояси инсониятнинг пайдо бўлиши давридан бошланган бўлиб, у шу даврлар оралиғида босқичма-босқич ривожланиб келмоқда. Мустақил фикрловчи, ижодкор шахсни тарбиялаш билан боғлиқ ибтидоий тушунчалар бугунги кунда ҳам ўрни келганда қадимий реликтлар тарзида талқин қилинмоқда.

Манбалардан маълум бўлишича, исломгача бўлган халқларнинг соғлом маънавий ва интеллектуал ҳаёт учун характерли бўлган хусусиятлари табиат ва жамият ҳодисаларига муносабатда анимистик (ҳар нарсанинг жони, руҳи бор деган эътиқод), магия (сеҳргарлик, жонсиз нарсаларга ғайритабиий қудратга эга деб сажда қилиш), тотем (ҳайвонлар, ўсимлик, нарсаларга сиғинишнинг етакчилиги), мажусийликнинг расм-русумлари ва маросимларидан тарбия жараёнида аралаш фойдаланиш, қадимий ахлоқий-маънавий тасаввурлар замирида таянч нуқта ҳисобланган ишонч ва тарбияда муҳим аҳамиятга эга бўлган руҳий жараён, эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амалнинг ёвуз фикр, ёвуз калом, ёвуз амал устидан ғалабаси учун кураш ғоясининг етакчилиги, ахлоқий-маънавий тафаккурни тарбиялашда асосий усул кўрғазмалилик, ишонтириш, намуна, тан жазоси ҳисобланган. Таълим-тарбия воситаси эса ғайритабиий кучга эга деб, тасаввур қилинган нарса ва ҳодисалардан иборат бўлган.

Мустақил фикрловчи, ижодкор шахсни тарбиялаш бўйича бугунги кунда таълим-тарбия тизимидаги ўрнига келганда, айрим анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирувчи, ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундовчи интерфаол таълим методлари билан бойитиш мақсадга мувофиқдир. Таълим олувчиларни мустақил фикрлашга ундовчи интерфаол таълим методларининг педагогик-психологик моҳияти шундаки, оддий мунозарада баҳслашувчилар кўпроқ онгли, асосли фикрларни баён этишга ҳаракат қиладилар ва мустақил фаолият юритиш натижасида таълим олувчи шахсида ижодкорлик хислатлари шаклланади. Бунда баҳслашувчиларга мияга қандай фикр қуйилиб келса, уни танқидсиз ва асосламай эркин, "тилга нима келса", лекин навбатма-навбат айтиш имконияти берилади. Бу нарса кўпроқ, муаммо анча нотаниш, савол мураккаб ёки ноаниқ бўлган шароитларда қўл келади. Яъни, бунда "эркин ассоциациялар"га имкон

берилади ва охир оқибат талабанинг ўзи муаммонинг маълум рационал "мағзни" ажратиб олади.

Шунингдек, дарс жараёнини оқилона ташкил этиш, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнидаги фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда турли хил замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш ва таълим олувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Маълумки, рақобатчиликка асосланган бозор иқтисодиёти тезкор, тадбиркор, шароитга кўра иш тута биладиган, мақсадга эришиш йўли, усул ва воситаларини зудлик ва оқиллик билан янгилай оладиган фаол шахсларга муҳтожлик сезмоқда. Шунинг учун Ғарбда таълим ва тарбия тизимида бихевиористик ёндошувдан когнитив ёндошувга қараб силжиш кузатилмоқда. Инсон фаолиятини баҳолашда когнитивизм ўтган асрнинг 60 – йилларигача бўлган педагогика ва психологияда хукмрон бўлган бихевиористик ёндошувдан қуйидагича фарқланади:

а) бихевиористик ёндошувда – инсон хатти - ҳаракатлари ташқи муҳит таъсири билан белгиланадиган, кўп ҳолларда онгсиз реакциялар мажмуаси сифатида тушунилса;

б) когнитив ёндошувда бу хатти-ҳаракатларда онглилик, таълим асосида ҳосил қилинган малака ва кўникмалар устунлиги тан олинади³⁶.

Кўриниб турибдики, бихевиористик ёндошувда инсон таълим-тарбияси сушт, когнитив ёндошувда эса улар фаолдир. Бозор иқтисодиётида яшаш шарти эса инсоний фаолликни талаб қилади. Шунинг учун АҚШ ва Ғарбда ўтган асрнинг 60 – йилларидаёқ когнитивизм зудлик билан педагогика, педагогик психология ва дидактика тизимларига кириб кела бошлади. Ўша даврда анча оммалашган таълимнинг вербал (яъни, таълим-тарбия жараёнидаги коммуникатив мулоқотда таълим олувчининг фаоллиги ва ўзлигини намоён қилишга йўналтириш) усуллари билан бирлашиб, педагогик психологияда онгли вербал когнитив таълим йўналиши шаклланди.

Кузатишларимиздан маълум бўлишича, мустақил фикрловчи, ижодкор шахсни тарбиялаш жараёнида воқелаштириш омиллари, усуллари жуда кўп ва ранг – барангдир. Улардан асосийлари сифатида, қуйидагиларни санаб ўтишимиз мумкин:

Биринчидан, ҳар бир машғулотда ўқувчи ўқитувчи (дарслик) талаби асосида унга берилган, етказилган билимларни такрорлаши эмас, балки унинг йўлланмаси билан янги билим ҳосил қилиши таъминланиши лозим. Бу эса фикрлаш ёрдамида билишга интилишнинг бош омилидир.

Иккинчидан, дарсда ўқувчи сушт тингловчи эмас, балки изловчи, қиёсловчи, кашфиётчи бўлиши керак. Шунинг учун ўқувчи ёки талаба оғзидан чиққан ҳар бир сўз,

³⁶ Матюшкин А. М. Некоторые проблемы психологии мышления. «Психология мышления». Сборник переводов с английского и немецкого под ред. А. М. Матюшкина. М., 1965.–134 с.

фикр, ҳукм, баён унинг ўзиники бўлмоғи шарт. Албатта, ўқувчида туғилган бу фикр оламшумил кашфиёт ёки бирор чигал муаммонинг ечими эмас балки, ўқитувчи (дарслик) берган ахборотнинг соддагина такрори ҳам эмас бўлиши мумкин. Бундай таълим усули ўқувчида мустақиллик, масъулият, ўз менлигини англаш, ижод, бунёд қилиш руҳини тарбиялашга хизмат қилади. Натижада ўқитувчи билан тингловчилар орасида дарс жараёнидаги алоқа – муносабат жуда кўп ҳолларда жонли оғзаки мулоқот, қолаверса, баҳс тусини олади.

Учинчидан, ўқитувчининг таълим олувчига берадиган изланиш ва фикрлаш йўлланмаси шундай бўлмоғи лозимки, синф ёки гуруҳдаги ўқувчиларнинг изланиш ва ижод маҳсули айнан бир хил бўлмаслиги – мохиятан бир йўналишда бўлиб, лекин шаклан ҳар хил бўлмоғи лозим. Шундагина ҳар бир таълим олувчи ўзлигини мумкин қадар ёрқинроқ ифода этиш имкониятига эга бўлади ва уларда ҳар бир машғулотда мусобақа руҳи етакчилик қилади.

Тўртинчидан, дарс жараёнида (уй вазифасини бажариш ва уни синфда таҳлил этишда) ўқувчи ўқитувчи йўлланмаси асосида изланар, фикр қилар, бирор нарсани топар, бирор хулоса ва ҳукмга келар экан, у ўз фикрини асослаш ва исботлашга, ҳимоя қилишга интиломоғи зарур. Қолаверса, машғулотнинг ташкил этилиши ва ўқув материали бунга кенг йўл очиб бермоғи, боланинг ёш психологияси ва ақлий физиологик имкониятига мос бўлмоғи лозим. Хуллас, таълимнинг онглилик омили мана шуларда намоён бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бугунги кунда кўпгина дарсликлар ва ўқув қўлланмалари ўқувчиларни мустақил фикрлашга, уларда ижодкорликни тарбиялашга йўналтирилган мазмунда тайёрлашга ҳаракат қилинапти. Жумладан умумтаълим мактаблари, ўрта махсус билим юртлари ва олий таълим тизимида Давлат таълим стандартларига мувофиқ тузилган фан бўйича ўқув дастурлари ва дарсликлар "Таълим тўғрисида"ги қонунда ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да белгиланган мезонлар ҳамда илмий тамойилларга асосланган ҳолда тайёрланмоқда. Шубҳасиз, улар ўқувчининг турмуш тарзи ва кундалик ҳаёти билан боғланган нарса ва ҳодисалар доирасидаги материаллардан ташкил топган бўлиб, ҳар бир ёш босқичидаги ўқувчиларнинг психологик ривожланиши даражасига мувофиқланган. Аммо, минг афсуслар бўлсинки, яратилаётган барча дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини ушбу талабларга жавоб беради деб айта олмаимиз.

Янги мазмундаги дарсликларнинг ўқув материали ва топшириқларнинг берилишида босқичли кетма – кетлик ҳам, ҳар бир мавзунинг ўрганиш жараёнида ўқувчининг ақлий фаолиятини ривожлантириш амалиётининг мавзудан мавзуга, синфдан синфга, босқичдан-босқичга мураккаблаша бориш йўллари ҳам, ўрганиш жараёнининг фаол кузатишдан бошланиб амалий қўллаш билан яқунланиш жараёни ҳам онгли вербал когнитив психодидактик асосларга тўла мосдир. Шубҳасиз, бундай таълим усулини амалиётда изчил қўллаш, бу йўналишда тажриба орттириш унга жуда кўп тузатиш, тўлдириш ва аниқликлар киритишни талаб этади. Ушбулардан келиб чиқиб, бундай таълим усулини мукамаллаштириш, ривожлантириш, оммалаштириш

бўйича айрим мулоҳазаларни баён этиш мумкин. Бунинг учун, биринчи галдаги психологик йўналишдаги вазифаларимиз сифатида қуйидагиларни санаб ўтишимиз лозимдир:

Биринчидан, вербал когнитив таълим усулини (бугунги кунда таълимнинг янги педагогик технологияси) ўқитувчилар орасида кенг оммалаштириш энг муҳим вазифаларимиздан бири саналиши лозим. Чунки бу усулни қўллаш учун замонавий педагогик технологияларни қўллашни, кўргазмали ва технологик қуроллардандан ўқитувчиларимиз амалий фойдаланишни ўрганиб олмас эканлар, улар бу соҳада самарали натижага эришга олмайдилар.

Иккинчидан, дарсликлар ва таълим усули билан машғулотларнинг самарадорлигини ошириш учун ўқувчилар қўшимча ахборот манбалари билан таъминланган бўлишлари шарт, ҳозирча бу манбалар дарслик, интернет маълумотлари, электрон манбалар, ўқувчининг хотираси, кундалик турмуш тарзидан, бошқа ўқув фанларидан, атрофдагилардан сўраб – суриштириб оладиган ахборотлардан иборат холос. Бу албатта, етарли эмас. Шунинг учун ўқитувчилар фан бойликларини ва имкониятларини ўзида мужассамлаштирган ва уларни таълим олувчиларга етказа оладиган қомусий маълумотнома, турли хилдаги (изоҳли маълумотлар, тасвирий иборалар ва ҳ.) маълумотлар билан таъминланган бўлишлари шарт. Бу масалада таълим тизимида йўлга қўйилаётган фаннинг ўқув модули: ўқув-услугий мажмуа, электрон ўқув-услугий мажмуаси (силлабус) кўп жиҳатдан талабаларни турли хил қўшимча маълумотлар билан таъминлаш имкониятига эгадир дейиш мумкин. Қолаверса, бу орқали дарсликларнинг ҳозирги ҳажми кескин қисқариб, улар асосан, ҳар бир мавзунини ўрганиш (ҳар бир мавзу доирасида ижодий фикрлаш ва ниманидир яратиш) топшириқлари алгоритмидан иборат бўлар эди. Албатта, бу жуда катта иш. Лекин биз вербаль когнитив таълим усулига қадам қўйиб, ижодкор ва мустақил фикрловчи шахс тарбиясини ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдикми, буни амалга оширмасдан иложимиз йўқ. Буларсиз кўзлаган мақсадимизга эриша олмаймиз!

Учинчидан, назаримизда ҳозирги айрим дарсликларда “орқага қараш” - дастлаб олдинги илмий талқинларга таяниш ва сўнгра уларни инкор этиш ёки янгилаш меъёрдан ортиқдек туюлади. Бундай ҳоллар маълумот турлари ва қўшимчалар, маълумот таснифлари талқинида анчагинадир. Бундай ҳол эҳтимол, ўтиш даври дарсликлари учун зарурдир, лекин психологик ва дидактик нуқтаи – назардан уларни оқлаб бўлмайди. Шунинг учун бундай чекинишлар дарсликлардан босқичма – босқич чиқарилиши лозим. Бунинг учун барча таълим тизимида айниқса, умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлар дастурлари ва дарсликларини қайта кўриб чиқиш лозимдек кўринади. Бунда бош омил соф прагматик – дастурда кўрсатилгандек, оммавий амалий татбиққа нозарур илмий билимлар ўқувчилар, айниқса ёш давридаги ўқувчилар учун ортиқча эканлигидадир.

Тўртинчидан, айрим ижтимоий-гуманитар йўналишдаги дарсликларда баъзан учраб турадиган ҳар бир мавзу ўрганилишини яқунлайдиган ва моҳияти таълим олувчининг мустақил хулосасини текшириш учун хизмат қиладиган, “билиб олинг”

изоҳи билан берилган шарҳларни келтириш шартмикан деб ўйлаймиз?! Бундай ҳолатда ўқувчи уни ўйлаб топишдан кўра тайёргинасини ўқиб олишни афзал кўради! Моҳиятан бу "билиб олинг"лар математикага, физика, химия фанлари бўйича бериладиган мисол ва масалаларнинг жавоб ва ечимларидир. Шунинг учун булар ҳам ўта ихчамлаштирилиб, дарсликнинг охирида берилса, болаларни мустақил излашга кўпроқ ундаган бўлармиди деб ўйлаймиз?

Бешинчидан, дарсликларда хусусан, такрорлаш бўлимларида тестлар берилади. Бу тестлар эса когнитивлик ва вербалликдан тамоман узоқ, улар кўпроқ ретроскопик ва рецептив табиатга эга. Бу тестларни ижодийлаштириш устида ўйлаш ва изланиш даври келди. Бунинг учун, эҳтимол, дарсликларда қисман ўз аксини топган ўзимизнинг эски, шарқона тестларимиз ёки "Топқирлар беллашуви" учун зарур бўлган савол – топшириқлар миқдорини ошириш мақсадга мувофиқ бўлармиди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юқорида таъкидланган фикрлар бизнинг таълим-тарбия жараёнида таълим олувчиларда мустақил фикрлаш ва ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришга қаратилган илмий ва ҳаётий кузатувларимиз асосида шакланган қарашлардир. Аммо, назаримизда бу каби фундаментал масалалар таълим-тарбия жараёнида таълим олувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришда ва ижодкор шахсни тарбиялашда ўзига хос ўрин тутади деб ўйлаймиз.

АДАБИЁТЛАР:

1. Матюшкин А. М. Некоторые проблемы психологии мышления. «Психология мышления». Сборник переводов с английского и немецкого под ред. А. М. Матюшкина. М., 1965.

2. Муҳаммаджонов А. Школа и педагогическая мысль узбекского народа XIX – начала XX в. Тошкент, «ФАН», 1978. – 44 б.

3. Каримова В.М., Суннатов Р.И., Тожибоева Р.Н. Мустақил фикрлаш: (Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун ўқув қўлланма) – Т.: Шарқ, 2000. – 112 б.

5. Каримова В.М. Аудиторияда баҳс-мунозарали дарсларни ташкил этишнинг психологик технологияси. – Т.: 2000.